

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST ЎТМИШГА НАЗАР

СУРХОН ВОҲАСИ АҲОЛИСИ ДЕМОГРАФИК ЖАРАЁНЛАРИ (XIX АСР ОХИРИ – XX АСР БОШЛАРИ)

Холмўминов Хусан,

Термиз давлат университети

Жаҳон тарихи кафедраси доценти, тарих фанлари номзоди

For citation: Kholmuminov Khusan. Demographic processes in Southern Surkhan oasis in the late 19th century and early 20th centuries. 2019, vol. 1, issue 13, pp. 93-99.



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-13-11>

Келиб тушган сана 5 август, 2019

Эълон қилинган сана 5 октябрь, 2019

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада XIX аср охири XX аср бошларида Сурхон воҳаси бекликларидаги аҳолининг демографик жараёнларидаги ўзига хос хусусиятлари хусусида маълумотлар берилган.

Калит сўзлар: Демография, миграция, Туркистон ўлкаси, Тожикистон, Афғонистон, Туркманистон божхона тизими, Жилиқўл, Колхозобод, Паттакесар.

ДЕМОГРАФИЧЕСКИЕ ПРОЦЕССИИ НАСЕЛЕНИЯ СУРХАНСКОГО ОАЗИСА (В КОНЦЕ XIX - НАЧАЛЕ XX ВЕКАХ)

Халмуминов Хусан,

Термезский государственный университет,

старший преподаватель кафедры Мировой истории,

кандидат исторических наук

АННОТАЦИЯ

В этой статье рассмотрено, историко-демографические процессы населения Сурханского оазиса в конце XIX- начале XX веках, которая является актуальной в исторических аспектах.

Ключевые слова: Демография, Миграция, Туркистанский край, Таджикистан, Афганистан, Туркменистан таможенное направление, Жиликул, Колхозабад, Паттакесар

DEMOGRAPHIC PROCESSES IN SOUTHERN SURKHAN OASIS IN THE LATE 19TH CENTURY AND EARLY 20th Centuries

Kholmuminov Khusan,

Senior Lecturer, Department of World History, Termez State University,
PhD in History

ANNOTATION

This article provides comprehensive overview of the emergence of early press publications in Turkestan in the late 19th and early 20th centuries and the importance of these publications in the development of social and political processes in the country.

Key words: Demography. Migration. Turkestan country, Tajikistan, Afghanistan. The customs system of Turkmenistan. Jilikul. Kolkhozobod. Pattakesar.

Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларида аҳолининг демографик жараёнлари ўзига хос аҳамият касб этган. XIX аср охири – XX аср бошларидаги чор Россиясининг мустамлакачилик сиёсати натижасида демографик жараёнларда ҳам ўзгаришлар юз берган.

Маълумки бу даврда Сурхон воҳасининг уч беклиги, Тожикистондаги олти беклик, Бухоро амирлигининг Шарқий ҳудудлари ҳисобланиб, тарихда «Шарқий Бухоро ерлари» деб аталган [1,270].

XIX аср охири – XX аср бошларида Сурхон воҳаси аҳолисининг ижтимоий демографик алоқалари кўшни Тожикистон, Туркменистон, Афғонистон давлатлари билан ҳам ўзига хос аҳамият касб этган. Яъни воҳа аҳолисининг кўшни давлатлар билан ўзаро алоқадорлик масалалари баъзан ўзаро маҳсулот айирбошлаш бўлса, шунингдек, аксарият ҳолларда эса аҳолининг бир ҳудуддан, иккинчи ҳудудга кўчиши ҳолатлари яъни миграция жараёнлари билан бевосита боғлиқ бўлиб ҳисобланган.

Сурхон воҳасининг Термиз ҳамда Паттакесар ҳудудлари бу даврда

ўзаро савдо алоқалари яхши йўлга қўйилган энг муҳим ижтимоий марказлардан бири ҳисобланган. Бу ҳудуд азалдан буюк ипак йўли карвон йўллари туташган чорраҳада жойлашганлиги боис, Бухоро ва Самарқанддан келаётган савдо карвонлари Паттакесар - Термиз орқали Афғонистоннинг Балх вилояти ва Ҳиндистонгача ўтиб борган. Шунингдек, чор Россияси истилоси даврида ҳам, Россия ва Афғонистон ўртасидаги ўзаро савдо муносабатлари айнан Термиз орқали амалга оширилган. Бундай алоқаларда чорраҳа вазифасини ўтаган Термиз ҳам ўзаро товар айирбошлаш жараёнларида муҳим ўрин тутган. Яъни савдо алоқаларида Афғонистондан Термизга қуритилган мевалар, бодом ва писта, турли-хил мол терилари, жун ва бошқа маҳсулотлар олиб келинган. Шунингдек, Термиздан Афғонистонга эса кийим-кечак, озиқ овқат маҳсулотлари айирбош қилинган. Бундай алоқадорлик муносабатлари натижасида аҳолининг ўзаро миграцион жараёнларида турли миллат вакилларининг салмоғи ҳам орта бошлаган.

Жумладан статистик маълумотларга кўра, XIX аср охири – XX аср бошларида Паттакесарда (Термиз шаҳри ва унинг атрофи) 20651 киши, шу жумладан Термиз шаҳрида 4284 киши истиқомат қилган. Аҳоли миллий таркибининг 61,1 фоизи ўзбеклар, 31,2 фоизи тожиклар ва туркманлар, 7,7 фоизи бошқа миллат вакиллари (руслар, яҳудийлар, эронликлар, афғонлар ва бошқалар) ҳисобига тўғри келган[2,257].

Аҳоли миллий таркибида руслар (гарнизон амалдорлари ва уларнинг оилаларини мустасно қилганда) 1500 кишидан ортиқ бўлса, эронликлар 80 киши, афғонлар 257 киши, яҳудийлар 50 кишини ташкил қилган[3197]. Бунда кўриниб турибдики, бу даврда ўзаро миграцион алоқалари натижасида миллий таркибда рус миллатига мансуб аҳоли вакилларида ташқари афғон миллатига мансуб аҳоли сонининг ортганлигини кузатишимиз мумкин.

Рус миллатига мансуб аҳоли салмоғини ошиши турли омиллар билан боғлиқ бўлиб, турли сабабларга кўра марказдан очлик ва ерсизликдан қочган рус деҳқонларини кўчириб келтириш сиёсати зўр бериб амалга ошира бошладилар, аммо шаҳарларда рус аҳолисини шакллантириш сиёсати муҳим аҳамиятга эга эди.

XIX асрнинг иккинчи ярмида чор Россияси томонидан Ўрта Осиё ҳудудларига кўчирилган турли миллат вакилларининг салмоғи айниқса руслар сони зудлик билан кенгайиб борди. Бунда кўчирилган аҳолининг катта қисмини истеъфога чиққан аскарлар, давлат амалдорлари, жазо манзилига жўнатилиб, жаримага тортилган хизматчилар,

хизматдан бўшатиб юборилган ҳарбийлар ташкил этган.

Шунингдек, Термиз ҳамда Паттакесар ҳудудлари чегара яқинида жойлашганлиги боис қўшни Тожикистон Республикасининг Шаҳритуз, Жиликўл ҳамда Колхозобод вилоятлари аҳолиси билан миграцион алоқалари муҳим ўрин тутган. Ушбу миграция жараёнларининг асосий ўзагини деҳқончилик (шоли етиштириш) билан шуғулланувчи тадбиркорлар ташкил этган. Термиз ҳамда Паттакесар ҳудуди Амударё бўйида жойлашганлиги боис, сув мўл-кўл бўлиб, шоличилик учун жуда қулай жой ҳисобланган.

Сурхон воҳаси ҳудудидаги бу ерлар, амирлик томонидан ижара тартибида тадбиркор фуқаролаларга берилган. Жумладан Термиз ҳудудидаги ер майдони тадбиркорларга келишув асосида қуйидаги шартлар билан муддатли ижарага берилган: суғориладиган майдонлар 5 йил муддатга ва суғорилмайдиган майдонлар эса 10 йил муддатга ижарага берилади. Ижарачилар бошоқли экинлар, полиз маҳсулотлари ва бошқа экинларни экишган. Ижарачиларнинг ҳар бири, бир неча участкаларни ижарага олишлари мумкин; бир йиллик ижара ҳақи олдиндан тўланади. Ижарачиларга ижарага олинган ҳудудларни экин экиш учун тайёрлаш, ижара ҳудудида жойлашган йўллар ва иккинчи даражали ариқларнинг яроқлилиқ ҳолатини сақлаб туриш каби вазифалар юклатилган[4,34].

Шу ўринда қўшни Тожикистоннинг Шаҳритуз, Жиликўл, Колхозобод вилоятлари аҳолиси азалдан шоли етиштириш хўжалигида юқори ўринда турган. Амударё бўйлари Термиз ва Паттакесар ҳудудларига қўшни давлатлардан келган бир неча юзлаб тадбиркорлар оила аъзолари билан кўчиб келишиб 5-10 йил мобайнида шу ерларда истиқомад қилишган[5,90]. Кўпчилик оилалар эса кейинчалик доимий тарзда шу ерларда истиқомад қилиб қолишган. Бундай миграцион алоқалар Термиз ҳудудида тожик миллатига мансуб аҳоли вакиллари салмоғини ортишида муҳим ўрин тутган.

Қўшни давлатдан келган тадбиркорларнинг шоличилик ишларини олиб бориши бир томондан аҳолига гуруч маҳсулотларини етказишда муҳим ўрин тутган бўлса, иккинчи томондан эса турли юқумли касалликларни келтириб чиқаришнинг бош омили ҳисобланган. Яъни шоли маҳсулоти узоқ вақт мобайнида балчиқ сувда ўстирилиши айрим касалликларнинг келиб чиқишига сабаб бўлган. Натижада амирлик томонидан аҳоли истиқомад қиладиган жойларда шоличилик билан шуғулланмаслик тўғрисида фармони мавжуд бўлсада, аксарият ҳолларда тадбиркорлар маҳаллий амлоқдорликлар билан келишган ҳолда яширинча тарзда шоли етиштириш ишларини амалга ошир-

ган. Натижада аҳолининг ижтимоий турмуш даражаси оғир бўлиб турган бир вақтда турли касалликларнинг хавфи ортиб бориб аҳоли саломатлигига жиддий таъсир кўрсатган.

Сурхон воҳаси ҳудудларидаги бекликлар аҳолисининг бу даврда қўшни Тожикистон ҳамда Афғонистон давлатлари билан турли жараёнларда алоқалари кенг ривожланган. Аммо бундай алоқадорлик муносабатлари билан боғлиқ божхона тизими, ҳудудий чегараланиш, савдо- сотиқ ишлари, тиббий хизмат назоратини олиб бориш масалалари тегишли тартибда назоратга олинмаганлиги боис аҳолининг демографик жараёнларида турли муаммоларнинг келиб чиқишларига ҳам сабаб бўлган.

Шунингдек, ижтимоий турмуш шароитидаги мавжуд бўлган камчиликлар, аҳолининг турмуш даражасининг қолоқлиги оқибатида турли касалликларни кенг тарқалиш ҳолатлари ортиб борган. Амирлик томонидан эса бу ҳолатларнинг уни олдини олиш масаласида амалий чора- тадбирлар жуда суст даражада олиб борилган. Бу ҳолат аксарият ҳолатларда қўшни давлатлар ҳудудидан оммавий тарзда юқумли касалликларнинг кириб келиши билан ҳам изоҳланади.

Жумладан қўшни Афғонистон давлати билан бўлган ўзаро алоқалар туфайли, ушбу ҳудуддан хавфли ўлат касалликлари кириб келиши аҳоли демографик жараёнларида муаммоли ҳолатларни келтириб чиқарган. Натижада минглаб кишилар азият чекиб, айниқса болалар, аёллар ўлими кўпчиликни ташкил этган. Шеробод, Денов, Бойсун бекликлари маъмурий бошлиқлари томонидан 1897 йилда[6,30] вабо касаллигининг олдини олиш мақсадида, Амударё кечувларида махсус назоратчилар гуруҳи ташкил этилган.

Термиз чегара ҳарбий назоратини қўриқлаш ҳамда махсус назоратни олиб бориш мақсадида чор Россияси маъмурлари томонидан 100 нафар ҳарбийлардан иборат 4-Оренбург казак полки кўчириб келтириб жойлаштирилди. Ҳарбийларнинг ижтимоий турмуш шароитини таъминлаш мақсадида Солиҳобод қишлоғидан ер ажратилиб, ҳарбий зобитлар учун турар-жой бинолари ва 100 ўринли ҳарбий казарма (ҳарбийлар яшаш жойлари) қуриб берилган[7,195].

Шу ўринда таъкидлаш керакки, Бухоро амирлиги шарқий бекликлари ҳудудлари бўйлаб Тожикистон ҳудудидан Туркменистонгача бўлган жойларда жами 31 та дарё кечувлари мавжуд бўлган. Шундан Сурхон воҳаси ҳудудида Амударё бўйида қўшни Афғонистондан ўтиш учун асосий бешта кечув жойлари бўлиб, булар Айритом, Паттакесар, Шўроб, Чўчқагузар, Қоракамар кечувлари[8,408] ҳисобланган. Аммо ушбу кечув жойларининг барчасида ҳам доимий назоратни (тиббий хизмат назоратини) таъминлаш имконияти мавжуд эмас эди. Яъни бу

ҳолатлар нафақат чегара ўтиш пункларида балки, бутун воҳа бўйлаб тиббий хизмат турининг яхши ривожланмаганлиги билан изоҳланади.

Аммо шуни таъкидлаш керакки, аҳолининг ижтимоий турмуш даражасига эътибор қаратиш масалалари воҳа маъмурий марказларида юқори даражада бўлиб, чекка қишлоқларда эса бу жараёнлар эътибордан четда қолаверган. Кўпроқ ҳолларда уларнинг ижтимоий турмуш даражасини яхшилаш ва кўчиб келган бошқа миллат вакиллари-нинг иш билан таъминланиши масалаларига аълоҳида эътибор қартилган. Бу омиллар натижасида XX аср бошларига келиб Сурхон воҳаси аҳолиси миллий таркибида бошқа миллат вакиллари салмоғининг ортиши ҳолатлари кузатилган. Яъни маълумотларга кўра, 1914 йилга келиб Паттакесар (Термиз)да рус ва бошқа миллатга мансуб аҳоли сони 2,5 мингдан[9,39] ортиқни ташкил этганлиги хусусида маълумотлар келтирилган. Асосий миграция жараёнларида руслар билан бирга арманлар, татарлар ва бошқа миллат вакиллари ҳам кенг миқёсда кўчиб келиб шу ерда истиқомат қилишган. Рус миллатига мансуб аҳоли вакиллари кейинчалик темир йўллари билан боғланган маъмурий марказлар (шаҳар)да тайёр уй жойларга кўчириб келтири-ла бошлади. Уларнинг асосий фаолияти саноат корхоналари ҳамда темир йўл линияларида хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган[10]. Шунингдек, ҳукумат томонидан уларнинг ижтимоий турмуш шароитларига кўпроқ эътибор қаратилганлиги боис, қишлоқ жойларда истиқомат қилувчи аҳоли вакиллари-га нисбатан кўпроқ авзалликларга эга эди. Шу боис бу жараёнларда қишлоқ аҳолисининг ижтимоий, демографик турмуш тарзида ижобий ўзгаришлар амалга оширилмади. Белгиланган тартиблар кўра барча соҳалардаги янгиланиш аввало шаҳарлар марказига кўчириб келтирилган аҳоли вакиллари-нинг ижтимоий турмуш даражасини яхшилашга қаратилар эди.

Хулоса ўрнида таъкидлаш керакки, XIX асрнинг охири — XX асрнинг бошларидаги жанубий воҳалар бекликлари аҳолисининг ижтимоий турмуш тарзида кўплаб муаммоли ҳолатлар мавжуд эди. Бу жараёнлар шу билан изоҳланадики, аста-секинлик билан мустамлакачилик сиёсатини амалга ошириб келаётган чор Россияси маъмурлари асосий эътиборни аҳолининг ижтимоий турмуш тарзини яхшилаш эмас, балки арзон хом ашё базасига эга бўлишга кўпроқ эътибор қаратган. Бундай ҳолларда демографик муаммолар ҳукмрон сиёсатнинг соясида қолиб кетаверган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Абдураимов М.А. Очерки аграрных отношений в Бухарском ханстве. —Тошкент: Фан,1970. 270 стр. (Abduraimov.M.A Essays on agrarian

relations in the Bukhara khanate. 1970. –P.270)

2. Материалы по районированию Средней Азии. Территории и население Бухары и Хорезма, Кн.1. 4,1. Бухара. -Т., 1926, -С. 257.(Materials on roning of Central Asia. Territories and population of Bukhara and Khorezm. Book 1. 4,1. Bukhara. – Т., 1926. –P. 257)

3. Тўхтаматов Т.Г. Русско-Бухарские отношения в конце XIX- начале XX в с-14; 1969, с.197 (Tukhtametov . T.G Russian – Bukhara relations at the end of XIX early XX. 1969. –P.197.)

4. Мухаммаджонов А.Р. Населенные пункты бухарского эмирата. – Ташкент: Университет, 2001.34сб. (Mukhammadjanov A.R Settlements of Bukhara Emirate . University . 2001)

5. Турсунов С.Н. ва бошқалар. Ўзбекистон тарихи ва маданияти – Сурхондарё этнографияси. –Тошкент: А.Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси, 2006. 90-б. (Tursunov S.N and others. History of Uzbekistan and culture. Etnography of Surkhandarya. A.Navoi. National Library of Uzbekistan. –P. 200)

6. Логофет. Д.И. Страна бесправия. Бухарское ханства и его современное состояние... СПб. 1912 г. с-30. (Logofet.D.I The country of lawlessenes Bukhara Khanate and its current state. 1912. –P.30)

7. Турсунов С.Н. бошқалар. Сурхондарё тарихи. –Т.: Шарқ, 2004. 195бет. (Tursunov S.N and others. History of Surkhandarya.)

8. Қобилов.Э.Сурхонвоҳасихўжалиги-Тошкент. Академнашр. 2012.-408б. (Qobilov.E Surkhan oasis farm. –Tashkent, 2012. –P. 408)

9. Холиқова Р. Россия-Бухоро: тарих чорраҳасида. –Тошкент: Ўқитувчи, 2005. 39бет. (Kholikova.R Russia-Bukhara. At the crossroads of history. –Tashkent: Teacher, 2005. –P.39)

10. Авазов Ю.У. XIX аср – XX аср бошларида Бухоро амирлигининг жануби-шарқий бекликларида ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаёт. та-р.фанном. диссер.автореферати. –Тошкент, 2005. (Avazov .Y.U Social, political and cultural life in the southeastern hills of the Bukhara Emirate in the late 19th and early 20th centuries.)